

ИСТИҚБОЛЛИ ИСТИҚЛОЛ!

Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ни қаршилашти. Миллат озодлиги, юрт истиқболи билан боғлиқ бу тарихий сана – ўзбекистонликларнинг миллий байрами, энг улуф ва азиз айёми, давлатимизнинг буюк ўзгаришлар сари юз буришида имконият эшикларини кенг очиб берган күтлуг кун сифатида нишонланмоқда. Мустақиллик айёми олди юртимиздаги бунёдкорлик ишларини кўриб, муқаддас ва бетакрор мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон қалби фурур ва ифтихор туйғуси билан тўлиб-тошади. Чунки, мустақиллик берган неъматлар, кенг имкониятлар гўёки сўз билан таърифга сифмагандек. Айнича, қисқа вақт ичидаги пойтахтимизда бунёд этилган янги таълим, санъат иншоотлари, манзилимизни яқин қилувчи кўприклар, гўзал боф-роғлар, обод кўчалардаги гўзал манзараларни баъзида санаб адогига етада олмайсан.

Мустақиллик – жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ўз тақдирни билан боғлиқ бўлган истиқболидир. Аждодларимиз энг буюк, күтлуг эзгу ниятлари бўлган мустақилликка эришган Ўзбекистон 25 йиллик қисқа давр мобайнида катта ютуқларни кўлга кириди: ижтимоий-сиёсий соҳада, ижтимоий-иқтисодий соҳада, халқаро муносабатлар соҳасида катта ютуқларни кўлга киритиб, дунё миқёсида тан олинди. Соғлиқни сақлаш тизимида изчилик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан далолатdir. Оналар ва болалар ўлимининг кескин камайиши, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида эришилаётган натижалар БМТ, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, ЮНИСЕФ сингари кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Истиқлондан сўнг озод юртнинг озод фарзандлари туғилди. Улар униб-ўсялти, руҳан ҳур, қалбан миллат гояларига содик ҳолда тарбия топишмоқда. Озодлик фарзандлари 25 ёшга тўлиши. Улар истиқлон сабогини олиб, қудратли давлатчиликнинг барча эзгу тамойиллари, миллий-маънавий қадриятларимиз асосида улғайишмоқда. Мустақиллик она тилимиз, миллий қадриятларимизни тикилаш билан бирга ёшларимизга ҳам дунё эшикларини очиб берди. Юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, ёшларнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари, кўлга киритаётган мувваффақиятларини кўриб, юрт истиқболини тасаввур этиш қийин эмас. Албатта, ҳар бир ёш -юрт,

Тошкент Тиббиёт академиси ректорат ва касаба уюшмаси УАШт эндокринология кафедраси профессори Мамлакат Рустамовага синглиси
Саодат РУСТАМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

жамият, қолаверса миллат эртаси демакдир. Улар учун жаҳоннинг энг замонавий фан ва техника ютуқларидан хабардор бўлиш ва нуфузли таълим даргоҳларида ўқиш имконияти туғилди. Таълим, ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Юртимизда 2016 йилга “Соғлом она ва бола йили” дебном берилиши ва шу муносабат билан маҳсус давлат дастурининг кабул қилинishi бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг янги ва янада юксак босқичи бўлиши мумкинлиги шубҳасиз. Ҳозирда мамлакатимизда 30 ёшгача бўлганлар 17 млн. 80 минг нафарни ёки аҳолининг 64%ни ташкил этади, ана шу ижтимоий қатламининг ечилиши лозим бўлган муаммоларига эътиборни жалб қилиш, ёшларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи бунёдкор кучга айлантириш билан боғлиқ кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш ушбу дастурнинг мақсадидир. “Соғлом она ва бола йили”да ёш авлодни жисмонан ва соғлом тарбиялаш, оналик ва болаликни мухофаза қилиш, таълим тизимида замонавий технологияларни жорий этиш, соғлом ва мустаҳкам оиласида барпо этиш, эл-юртга, Ватанга муносиф фарзандлар тарбиялаш буғунги куннинг энг мухим вазифаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда миллатларо тутувлик ва ҳамкорлик борган сари кучайиб бормоқда. Ҳозирда ҳар бир киши миллати ва динидан қатъий назар ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда умумий руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига, билимдонлик ва мустақил фикрлаш сингари фазилатларга эга бўлиб бормоқда.

Аммо, шу билан бирга мустақилликни асрар, тинчликни асрар шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг энг эзгу нияти, қолаверса, бурчи эканлигини доимо ёдда тутмоғимиз лозим!

Юртимизда ҳар куни эрталаб тонгни қарши оламиз, бу истиқлон тақдим этган мунаvvар истиқбол тонгидир, бу тонг умид, ишонч, эзгулик тонгидир. Уни олқишишайлик, эъзозлаб, авайлаб, асройлик, зоро, истиқлон берган истиқболли юртимиз камоли мангу нурафшон, ёруғ бўлсин!

Зотан шеърий сатрларда битилгандек:

**Оқар дарёларинг ҳимматга тўлсин,
Иқбол манзилига етишсан шояд.
Ўз эркин ўзиннга муборак бўлсин,
Бошда тоҳкинг бўлсин мангур хуррият....**

Шоира ҚОДИРОВА,
тиббий педагогика факультети катта ўқитувчиси

TTA ректорати ва касаба уюшмаси умумий жарроҳлик кафедраси профессори Улуғбек Юсуфжонович Эргашевга отаси Юсуфжон Ҳакбердиевич ЭРГАШЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinnbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abduqodirova, D. Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobi
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yuxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir



TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 8 2016 YIL AVGUST

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тикилаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса кўшган, ёрқин истеъоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларга, она юртга муҳаббат, истиқлон гояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун,


“Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси профессори Даминов Турғунпўлат

Абидовични

энг улуф ва энг азиз байрам – мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан “Эл-юрт ҳурмати” орденига сазовор бўлганлиги билан чин юрақдан самимий муборакбод этамиз.

Биз устозга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, фароғатли ва саодатли кунларни тилаб қоламиз. Уларнинг бундан кейинги тиббиёт соҳасидаги илмий ва амалий фаолиятига юксак мувваффақиятлар тилаймиз.

**Ҳурмат билан Тошкент
Тиббиёт академияси
ректори, жамоаси
ва шоғирдлари.**



**“ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН,
МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА
ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!”**

Халқимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги байрамини нишонлашга ҳозирлик кўраётган шукуҳли кунларда ким билан сұхбатлашсангиз, эришилган улкан ютуқлар, юртимиз ҳаётидаги ўзгаришлар, бунёдкорликлар ҳақида фахр ва ифтихор билан сўзлади. Дарҳақиқат, мамлакатимиз истиқлонга эришган сана – 1 сентябрь – мустақиллик байрами тобора яқинлашиб келмоқда. Айни кунларда бутун юртимиз бўйлаб мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёр гарлик ишларни давом этмоқда.

Мустақиллик – бугун биз эришган юқум мэрраларга қанот бўлган куч. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўй кўрсатиб турган озод ва обод Ватан манзаралари, аввало, истиқлон

Давоми 2-бетда.



**Барча катта-ю кичикка, хоҳ у дўст
бўлсин, хоҳ у душман, яхшилик қилинг.**



Ҳикмат

“ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!”

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мустақиллик бизга нима берди? Мустақиллик бизга энг аввало ўзлигимизни қайтариб берди. Ким эканимизни, қандай буюк зотлар авлоди эканимизни, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва ҳеч қачон кам бўлмаслигимизни англаб, ўтган 25 йиллик тарихан қиска даврда дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимизга, ўз сўзимизга эга бўлдик.

Бу фикрнинг яқол тасдигини аввало босиб ўтган йўлимиз ва мамлакатимиз қўйган қадамларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўзбекистонимиз иқтисодиёти, жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган инқирозга қарамасдан, истиқлол йилларида 5,5 каррадан зиёд ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани, одамларимизнинг ўртacha умр кўриши даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Мамлакатимиз ер юзидағи энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида бугун бешинчи ўринни эгаллагани ва сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички

маҳсулотимизнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юкори бўлиб келаётганинг ўзи барчанинг ҳаваси ва ҳайратини ўйғотиши табиийдир.

Бугунги кунда дунёдаги энг нуғузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказларнинг охирги маълумоти бўйича, Ўзбекистон “Бутунжаҳон баҳт индекси”да 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлияди ва янги уғфларни забт этишига undайди.

Юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар – камиди икки-учта касб-хунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тендошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланниб, ҳаётга кирмоқда. Бизнинг энг катта суюнчимиз ва таянчимиз бўлмиш ана шундай ёшларга, ана шундай бекиёс салоҳиятга эга бўлган халқни

ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб, енгиги бўлмайди. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил. Мустақиллик, йилда бир марта, фақат мустақиллик байрамида эмас, ҳар куни, ҳар соат фикр юритиладиган, ҳар дам шукр қилинадиган, қадри шарафи, бардавомлиги кўз қорачигидай авайлаб асраладиган бебаҳо неъматдир. Халқимизнинг асрий орзулари ушалган ушбу шодиёна кунларга осонлика етиб келганимиз йўқ. Бу йўлда ўтмишда қанча қурбонлар берилган. Мана энди диний эътиқод эркинлиги, миллий қадрияларимиз, улуғ аждодларимизни муносиб қадрлаш бобида орзулар рўёбига эришиб турибиз. Буларнинг ҳаммаси Истиқлолимиз шарофати, муҳтарам Президентимизнинг оқилюна сиёсати туфайлидир.

Азиз ва муҳтарам касбдошлар! Мана шу ҳаяжонли, унтилмас дамларда сизларни Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами билан яна бир бор табриклиймиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Пола АБДУҚОДИРОВА,
ТТА XXK раиси, доцент**

Яхшиликка ҳар ким ҳам яхшилик қила олади, ёмонликка эса яхшилик қилиши фақат чин инсоннинг қўлидан келади.



Хикмат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИННИГ 25 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Мана Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақилликка эришганини ҳар жабҳадаги эришаётган ва эришган ютуқлари билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Республикасим мустақилликка эришган даврдан бошлаб 25 йил ичиди қатор ютуқларга эришид. Иқтисодий, тибиёт, таълим, маънавий-маърифий, спорт ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқларни кўриб нафақат халқимизни, балки бошқа давлатларнинг ҳам ҳаваси келмоқда. Шаҳарлар, вилоят марказлари, туман марказларининг меъморий кўринишларида одамларнинг ҳаваси келса арзигулик ўзгаришлар ҳамда олий ва ўрта махсус таълим мұассасалари, мактаб, богич ва бошқа таълим мұассасаларининг тубдан таъмирланиб шаҳарларимизга келаётган меҳмонларимизда қатор яхши таассуротлар ўйғотмоқда.

Республикасим ўзининг мустақиллиги 25 йиллигини нишонлаётган бир вақтда Тошкент давлат иккинчи тибиёт институтининг санитария-гигиена факультетини 1985-1991 йилларида таълим олган битирувчилари ҳам институтни тамомлаганига 25 йил тўлганини нишонламоқда. Санитария-гигиена факультетига 1985 йили жами 450 нафарabituriyent талабалик сафига қабул қилинган. Шулардан 1991 йилга келиб 194 нафари институтни мұваффақиятли якунлаган. Чунки, курсдошларимизнинг асосий қисми ҳарбий хизматга чақирилиб, йигитлик бурчини бажариш учун сафарбар қилинган бўлса, бошқалари эса турли сабабларга кўра талабалик сафидан ўчирилган.

Институтни 6 йил давомида аъло ва яхши баҳоларга ўқиб, мұваффақиятли якунлаган курсдошларимиз мустақил юртимизда 25 йил давомида турли соҳалarda хизмат қилиб, қатор ютуқларга эришиб келмоқда. Ушбу йилда битирғанларнинг асосий қисми республика, вилоят (шахар) ва туман давлат санитария-эпидемиология назорат марказларида аҳолини санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш соҳалари ДСЭНМ, Мудофаа вазирлиги, санитария-эпидемиология қисмлари ва бошқаларга бош шифокор, бош шифокор мувовини, бўлим мудири ва бошқа лавозимларда хизмат кўрсатиб келишмоқда. Уларнинг асосий қисми олий тоифали шифокорларидир. Қатор курсдошларимиз Қ.Жуманиёзов т.ф.н., Олий Кенгаш қонунчилик палатасида депутат (ЭКО ҳаракат), Л.Н.Хәгай т.ф.н. ТТА, МНИЛ грантлар бўйича мувофиқлаштирувчи, Д.А. Акромов т.ф.н. ТТА, НИС бошлиғи, Х.Қаюмов т.ф.н., Бухоро давлат тибиёт инститuti мәннавият ва маърифат ишлари проректори, Ф.Х.Расулов т.ф.н. ТТА Фаргона филиали микробиология, иммунология, вирусология кафедраси доценти, В.Хәгай ТТА ҳарбий кафедрасида бўлим бошлиғи, А.Тўхтаев т.ф.н. Бухоро вилояти ОИТС маркази бошлиғи, М.Р.Кантемиров т.ф.н. Қозғистоннинг Караганда тибиёт инститuti эпидемиология кафедрасида доцент. И.Р. Чўлпонов ТТА Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедрасида доцент лавозимларида фаолиятини давом эттириб келишмоқда.

Биз 1991 йил Тошкент давлат иккинчи тибиёт инститuti санитария-гигиена факультети битирувчилари ушбу факультетни тутатиб, Республикасим аҳолисини санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш соҳасида хизмат қилаётганимиздан ва келажак авлоднинг саломатлигини мустақиллашга доир тадбирларда иштирок эттаётганимиздан фаҳрланамиз.

**Д.А. АКРОМОВ,
Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси катта ўқитувчиси
Ф.У. ЮЛДАШЕВА,
Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш кафедраси катта ўқитувчиси**

ДОНОЛАР ҲАЗИНАСИДАН...

Инсон тирик экан ўз Ватани учун курашмоғи лозим.

Алишер Навоий

Ватан менинг жону таним саждагоҳимдир.

У менинг тўлин ойим, тинч-омоним, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулисто-нимдур.

Фитрат

Ватанга муҳаббат айни замонда бутун инсониятга муҳаббат ҳам бўлиши керак... Ўз Ватанини севмоқ – унда инсоният орзуларининг рўёбга чиқишини чин кўнгилдан истамоқ ва қўлдан келгунча бунга кўмаклашмоқ демакadir.

В.Белинский

Ўз ерин қўйиб, ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролик бўлди.

Кўнглим бу гарубликда шод бўлмади, оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта киши.

М.З.Бобур

Киши қанчалик маърифатли бўлса, у ўз Ватанига шунчалик фойдалидир

А.Грибоедов.

Совуқ ўтиб бутун вужуд қақшаб турса ҳам,
Бироқ, юрак кўқрак ичра зарб урад бардам.
Ҳеч қандайин совуқ унга кор қилмас зинҳор,
Чунки, унда жўшиб турган Ватан ишқи бор.

Хусайн Аббосзода

Ватан надир, түқкан ерим, турғон ерим,
Ўсиб-униб, ўйнаб-кулиб юргон ерим.

Ватан менга ҳақиқатда кундоқ каби,
Тарбиянинг негизини қурғон ерим.

Сидқий Ҳондоилиқий

Ватан тўшларидан бизга сут берар,
Ҳаёт неъматидир бу шонли тупроқ.

Кулок ос онанга, не ўғит берар:

Шараф-ла, виқор-ла яшагин ҳар чоқ!

Самад Вурғун

Эркинлик иштиёқила ёнарканмиз,
Қалбимиз ор-номус шарафчун тирик-кан,
Дўстим, Ватанга бахши этайлик биз барча Ҳаётимизнинг гўзал ҳаракатларин.

А.С.Пушкин

Даэрон элининг жисмida ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил.

Алишер Навоий

Тайёрлади: Шаҳноза Ходжанова

МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ УЛУФ НЕЪМАТ


Шу кунларда ўзбек халқи мустақиллигининг 25 йиллик юбилейини тантанали нишонлашга фаол ҳозирлик кўрмоқда. Мустақилликнинг кўлга киритилиши Ўзбекистоннинг кўп асрлик шонли тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳисобланади. У янги демократик давлат ва жамият барпо итишинг ибтидosi бўлди.

Тарихан қиска даврда республика барча жабҳада, жумладан, давлат суверенитетини янада мустақиллаш, хавфисизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш, режали бошқарувдан бозор иқтисодиётига изчил ўтиш, аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш - борасида улкан мұваффақиятларни кўлга киритди.


Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў - эътибори юксалмоқда. Ўзбекистон минтақа хавфисизлигининг мухим кафолати ҳисобланishi халқаро даражада умум ҳавфисизлини топган.

Ўзбекистоннинг кудрати ҳамда иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётгани истиқлол йилларида эришилган мұваффақиятларнинг яққол тасдиғи ҳисобланади. Мустақилликнинг илк кунларидан эътиборан Ўзбекистонда оналик ҳамда болалик муҳофазаси ижтимоий сиёсатнинг стратегик йўналишларидан бирси сифатида белгиланди. 1994 йили давлат раҳбари мустақил Ўзбекистоннинг биринчи давлат мүкофоти — “Соғлом авлод учун”

Хикмат



**Кимки хушхулқ доимо бўлгай омон,
Яхшилик қилса сира етмас зиён.**



Хикмат



Энг улуғ, энг азиз байрамга икки түхфа...

Илм йўли – риёзат ва синов йўли.

*Бу йўлларга чидаган кишигини кўзлаган
мақсадларига эриша олади.*



Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш Миллӣ дастури" ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим тўғрисидаги Қарорлари асосида Республикаининг академик лицей ва коллекларда ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ўқувчилар ва қасб-хунар таълими мутахассислари тайёрланмоада. Бу қарорлarda ўқувчиларнинг миллӣ, мъанавий-маърифий ўзлигини англаши, замонавий иктиносидаги тафаккурини ўз фаолиятига тадбик эта олиши, компютер технологияларидан фойдаланиши усулларини яхши билиши, фанларни тўлик ўзлаштириши, ўз қасбийнинг фидойиси булиши кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ўқувчи мактабни тутагиб академик лицей ёки қасб-хунар коллежига кириб келиши янгилиши ва яшарин фаслига ўхшайди.

Шу боис бу дақиқаларни ҳар бир ота-она интиқлиқ билан кутади, кўнгиллар ўзгача, ажаб бир энтиқиш, қалб ва вуҳудимиз ўзгача жўшқинлик туди. Агар шундай ажаб кунларда нур устига нур бўлиб, меҳнатларни кўччилик томонидан эътироф этилса, раббатлантисила, бундай хурсандчиллик учун бутун хаётинг ва умрингни бағишишга ҳам тайёр турасан. Вақтни оқар дарёя ўхшатишида уни боя бердингни тамом, ағсусланишдан фойда йўқ. Амалга ошираётган фаолиятинг ҳам худди шундай. Шунинг учун вақт билан фаолиятни муқоблиг олиб бориши мақсадга мувоғифик "Интилганга толе ёр", дейишида дононлар. Дарҳақиат, ҳар лаҳзаси олтинга тенг бўлган умрни бесамар ўтказмай, яратиш завки билан яшаган иши борки, албатта, кўзлаган мақсадига етади. Айни вақтда келажагизим эгаларининг баҳту камоли учун барча шароитлар яратилган она диёримизда иктидорли ўшпар кўччиликни ташкил этади. Шундай ўқувчилардан бирни Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда таълим олмоқда.

Чарос Омонова академик лицейининг эндиғина 3-босичида таълим олишига тайёргарлик кўрмоқда. Лекин Чарос босиб ўтган йўл унинг барча тенгдошларига намуна бўлиши, тенгдошлари қалбидаги фарҳа ва ифтихор туйигини ўтиотиши шак-шубҳасизdir. Нега дейизими, чунки Чарос Омонова 2015-2016 ўкув йилининг ўзида жаҳоншумбул аҳамиятга эга бўлган олимпиадаларда қатнашиб юқори кўрсаткичларга ёриши. Булардан бирни Москва шаҳарida ўтказилган 50-Халқаро Д.И.Менделеев олимпиадаси бўлса, иккичи Грузия поҳтахти Тбилиси шаҳрида ўтказилган 48-Бутунжакон Халқаро олимпиадаси эди.

Чарос Омонова хизматчи оиласида таваллуд топган. У оиласидаги уч фарзанднинг каттаси. Чарос таваллуд топган оиласда китобга бўлган беъжиёс. Китоб оиласда заковатни сайқаллашга қаратилган, ўзига ҳам илмий, ҳам ижодий ривожлантириш элементларини жамлаган жуда самарали тарбия усулидир.

Чароснинг онаси билан бўлган сұхбатда, биз унинг болалигидан иске таъмини кашф этишига, ажаб ва идрокини ўтиришига аҳамият бердик, демак ўзига бўлган ишончни ҳам худди шу даврдан шакллантиридик деб ўйлайман, дейди. Биринчи фикр болаланинг ўзида чишиш керак. Агар муаммони ениш бўйича фарзанднингиздан хеч қандай ташаббус бўлmasa, унда унга бир қанча йўл кўрсатишингиз мумкин. Мустақил равишда қабул килинганда қарор, болаланинг ўзига бўлган ишончини ўтиришига ёрдам беради, деб сұхбатни түкнади.


Чарос Омонова академик лицейга қабул килингандан сўнг кимё фанига қизиқиши сезилиб қолди. Уни ҳар доим дарсдан сўнг кимё ўкув хонасида ёки лаборатория хонасида учратиш мумкин эди. Биринчи босқични битирив ёзги таътил кунларида ота-оналар олдида фарзанднинг бўш вақтини қандай ташкил килинганда қарор, болаланинг ўзига бўлган ишончини ўтиришига ёрдам беради. Кейинчалик

Чарос Омонова тенгдошлари ва академик лицей жамоаси тинимиз изланувчан, ўрганишдан толмайдиган, юнгилника кизиқиувчан ўкувни сифатида хурмат билан тилга оладиган бўлди. Инсонни хеч нарса меҳнатчалик юксаклика кўттармаслигини билган Чароснинг саъй-ҳаракати уни бугун голиблар сафига кўтарили.

— Бугун мен барча тенгдошларим қатори кенг имкониятлардан баҳраманд бўлаётганимдан чексиз фархланаман, — дейди Чарос кувонч билан, — мактабда таҳсил олган йилларимда, кимё фанига бўлган қизиқишим мени Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейга етаклади, кимё фанидан олган билимларимни академик лицейда ўқишим мобайнида

Ф.М. ВОХИДОВА,
ТТА қошидаги академик лицейининг кимё кафедраси мудири.

**Яхшилик яхши ном келтиради.
Саховат эса кишини баҳтиёр қиласи.**



Хикмат



МУСТАҚИЛЛИК – ЭНГ УЛУФ НЕЙМАТ

(Давоми. Боши 2-бетда.)

Ҳар бир ҳалқнинг ўз тарихи, маданияти ва урф - одатлари бор. Мамлакатда миллатлараро ҳамжиҳатлик ҳукм сурининг калити одамларнинг ўзаро тинч - тутув яшши, бир-бира ни түри тушуниши, жамиятда барчанинг бирдамлиги ҳамда ўзаро мулоқотнинг мавжудлигидар. Ўзбекистонда миллатлараро дўстона муносабатлар ва толерантликни кўллаб-куватлаш давлат сиёсатининг устуворликларидан бири ҳисобланади. Республиканинг барча фуқароси миллӣ мансублигидан қатъи назар, тенг ҳуқуқка эга эканлиги мамлакат Конституциясида кафолатланган юсак баҳога лойик.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳалқаро ишларда фаол иштирок этгани ҳолда, дунёдаги жараёнларга мослашувнинг мақбул юйини танлади. Жумладан, Республика Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тенг ҳуқуқи аъзосидир. Ўзбекистон бошқа мамлакатлар билан самарали ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириб, минтақада баркарорлик сақланишига муҳим ҳисса кўшаётir. Ўзбекистон олиб бораётган ташки сиёсат ўзининг ҳаётий ҳамда истиқболли эканлигини тасдиқлади. Эришилган мувфақиятларнинг ҳалқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилганини мамлакат ҳалқаро майдонда муносиб ўринни эгаллашидан далолат беради.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги — кўтлуг айём шукухи кезиб юрган айни дамларда истиқтолингин ҳаётимизда тутган ўрни нақадар мосъулиятни зиммасига олишига қодир янги авлод шаклланмоқда. Бу жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтаётган фикр-муҳоҳазаларда ҳам яққол ифодасини топаётди. Энг асосийси, навқирон авлод вакилларида демократик давлат куриш, ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллашдек олий мақсад сари интилиш кўзга ташланади.


Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда турли мамлакатлар бизнинг бу борадаги тажрибамизни катта қизиқиши билан ўрганмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури асосида мамлакатимизда "9+3" схемаси бўйича 12 йиллик мажбурий белгли таълим тизими жорий этилди. Шу орқали умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўкувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган қасб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиши имкониятига эга бўлди.

Истиқолол йилларида олис ҳудудларда жойлашган мактабларга ҳам катта эътибор қаратилгани боис



Хикмат

**Қачон, қаерда, қандай ва нимаики қилсак —
хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик, ҳаммаси ҳам бир
кун ўз мевасини беради.**



ҲАСАНБОЙ ДҮСТМАТОВ — ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИ!

Ха, биз бу қувончли онларни узоқ күтгандик.

Зеро, Рио-дә Жанейро шахрида бўлиб ўтаётган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида чарм қўлқоп устамиз Ҳасанбой Дўстматов финалга чиққанда, кўпчилик мухлислар мана энди бизнинг спортчиларимиз ҳам шоҳсупа тўрига кўтаришканлар-да, дея умид билан дилларини шод этгандilar.

Дарҳақиат, 49 килограммгача бўлган вазнда Бутунжоҳон универсиадаси ғолиби, Осиё чемпионати совриндори Ҳасанбой Дўстматов юқори техникага асосланган ажойиб маҳорати билан барча рақибларини кетма-кет доғда қолдириб келаётганди. Чунончи, чорак финалда қозогистонлик Биржан Жакипов, яrim финалда эса америкалик Нико Мигель Хернандесларни ишончли тарзда енгib финалга чиқди.

ЧЕМПИОНЛАРИМИЗ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимиз спортчилари Рио-дә Жанейрода бўлиб ўтаётган ёзги Олимпиадада кетма-кет олтин нишонларни кўлга киритиб юртдошларимиз кўнгилларини ниҳоятда шод этмоқдалар.

Жумладан, шоҳсупа тўридан жой олган боксчимиз Ҳасанбой Дўстматов сафига яна бир спортчимиз Руслан Нурудинов ҳам кўшилди. Зеро, кече ушбу моҳир спортчимиз ғалабаси шарафига Ватанимиз мадҳияси яна бир бор янграб, байроғимиз хиллиради. Вазни 105 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида иштирок этган Р.Нурудинов штангани даст кўтаришда 194, силтаб кўтаришда 237 килограмм, иккикораша якуни бўйича эса 431 килограммлик натижага кўрсатиб,

барча рақибларидан ўзиб кетди ва олтин нишонни кўлга кириптани ҳолда Олимпиада ғолиби бўлди.

Қувонарли томони шундаки, Русланнинг силтаб кўтариш баҳсларида кўрсатган натижаси Олимпиаданинг янги рекорди сифатида қайд этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, чарм қўлқоп усталикимизда ҳам терма жамоамиз жамғармасига яна битта олтин медални кўшиб кўйиш имконияти мавжуд.

МЕДАЛЛАРИМИЗ СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Кече спортчиларимиз XXXI Олимпиада ўйинларида муваффақиятли одимларини давом эттириб, яна бир кумуш медални кўлга киритилар.


69 килограммгача бўлган вазнли

спорчилар баҳсида ғалаба учун кураш олиб борган чарм қўлқоп устамиш Шахрам Фиёсов бирин-кетин Испания, Литва, Куба ҳамда марокашлик кучли рақибларини енгиг финалга чиқди. Эътиборга лойик томони шундаки, боксчимиз юқоридаги барча рақибларини 3:0 хисобида яққол устунлиқда енгди. Қубалик рақиби Рониель Иглесиас эса Лондон Олимпиадаси ғолиби эди.

Жуда кескин ва муросасиз кечган финал баҳсида Шахрам Фиёсов ва қозогистонлик Данияр Елеусиновлар бор куч-маҳоратларини ишга солишиди. Фақат бу гал кичик устунлик билан 2:1 хисобида қозогистонлик спортчининг кўли баланд келиб, шоҳсупа тўридан ўрин олди, Шахрамга кумуш нишон насиб эти.

Кече, шунингдек, яна бир боксчимиз Шахобиддин Зоиров 52 килограммгача бўлган вазн тоифасида ўз рақибини ортда қолдириб, яrim финалга йўлланманни кўлга кирити.

Илтижо билан ёрдам сўровчи кишининг ҳимоячиси бўл, бундан яхшироқ яхшилик бўлмайди.



Хикмат



БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Бразилияда бўлиб ўтаётган XXXI Олимпиада ўйинларида боксчиларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда. Деярли ҳар бир вазн тоифасида чарм қўлқоп усталикимиз ғолиб ва совриндорлар сафида ўрин олишга ҳаракат қилишмоқда.

Жумладан, кече 75 килограммгача вазндан боксчилар ўртасидаги ярим финал беллашувидаги рингга чиқкан энг тажрибали ва умидли боксчимиз — ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби, катталар ўртасида Осиё чем-

пиони ва жаҳон чемпионати совриндори Бектемир Меликўзиев мексикалик рақиби Мисаэль Узиел Родригез устидан катта устунлик билан ғалаба қозонди ва финалга йўлланма олди. Ўлаймизки, Бектемир ҳал қилувчи баҳсни ҳам бор куч-тажрибасини

ишига соглани ҳолда ўтказиб, олтин медални кўлга киритиди. Бунинг учун унда барча имкониятлар етарли.

Вазни 56 килограммгача бўлган боксчилар беллашувидаги қатнашган яна бир спортчимиз Муроджон Аҳмадалиев бронза медалини кўлга кирити.

ЮҚСАК МУВАФФАҚИЯТЛАР МУБОРАК, АЗИЗ ЙОРТДОШЛАР!

ШАҲОБИДДИН ЗОИРОВ ВА ФАЗЛИДДИН ГОИБНАЗАРОВ – ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ!


Кече Бразилияning Рио-дә Жанейро шахрида якунлаётган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида том маънода Ўзбекистон куни бўлди, дея қувонч билан дилдан фахрланамиз. Бокс бўйича 52 ва 64 килограммгача вазнларда иккি нафар юртдошимиз финал баҳсида олтин нишонларни кўлга киритишди, яна икки курашчимиз бронза нишонлари соҳиби бўлишиди. Дастлаб рингга терма жамоамизинг етакчи вакилларидан бири Шахобиддин Зоиров чиқди. У россиялик Миша Алоянга ҳеч қандай имконият қолдирмагани ҳолда ажойиб ғалабага эришиди. Бунда Шахобиддин айниқса 2 ва 3-раундларни яққол устунлик билан ўтказди. Яна бир тажрибали чарм қўлқоп устамиш Фазлиддин Гоибназаров 64 килограммгача вазнда озарбайжонлик Лорензо Коллазо Сотамайор билан ҳал қилувчи баҳсни ўтказиш учун рингга чиқди. Ҳар иккала боксчи маҳорат бобида бир-бираiga яқин бўлгани туфайли баҳс шиддатли тус олди. Бироқ, Фазлиддиннинг берган кўплаб аниқ зарбалари учрашув тақ-дирини ҳал

қилди ва шу куни ўзбекистонлик спортчининг ғалабаси шарафига иккичи бор мадҳиямиз янграб, байроғимиз хиллиради.

Бир оз олдинроқ эса ёш бўлса-да кўплаб нуфузли ғалабаларни кўлга кириган яна бир боксчимиз Бектемир Меликўзиев кескин ва муросасиз беллашувда кубалик Арлен Лопезга баҳсни бой бериб, кумуш нишон соҳиби бўлган эди. Кече, шунингдек, эркин курашчиларимиз ҳам яхши натижалар кўрсатиб, мухлислари дилларини шод этишиди. Чунончи, 65 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида Ихтиёр Наврӯзов, 97 килограммгача курашчилар ўртасида Магомед Ибрагимовлар терма жамоамиз жамғармасига ўз бронза медаллари билан муносаб улуш қўшидилар.

Айни пайтда Ўзбекистон спортчилари 4 олтин, 2 кумуш ва 7 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида 21-ўринни банд этишиди. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон спорт делегацияси жами 207 та мамлакат спортчилари иштирок этаётган Олимпиада ўйинларида Осиё давлатлари орасида тўртинчи, МДХ давлатлари орасида иккичи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгалладилар.

ЮҚСАК МУВАФФАҚИЯТЛАР МУБОРАК, АЗИЗ ЙОРТДОШЛАР!



Хикмат

Яхшилик — қалбда яшайди, ёмонлик — ўжар бошдан жой излайди.